2 

2014 йил 19 сентябрь, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 187 (12.748)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Кўргазмалар



## ЭНЕРГЕТИКА ВА ҚУРИЛИШ СОҲАСИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

***«Ўзэкспомарказ» миллий кўргазмалар мажмуида «UzEnergyExpo-2014» ҳамда «UzStroyExpo-2014» қурилиш, иситиш, вентиляция, қувурлар ва фитинглар IV халқаро ихтисослаштирилган кўргазмалари бўлиб ўтмоқда.***

Кўргазмалар «Ўзбекэнерго» ДАК, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, «Ўзқурилишматериаллари», «Ўзмахсусмонтажқурилиш» акциядорлик компаниялари, Ўзбекистон Республикаси ФА энергетика ва автоматика институти, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги кўмагида IEG Uzbekistan кўргазма компанияси томонидан ташкил этилди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда энергияни тежайдиган ва қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш технологиялари кенг оммалашиб бормоқда. Шамол, қуёш ва гидроэнергетика сингари тежамкор энергия манбаларини ривожлантириш, аралаш турдаги қуёш-иссиқлик электр станцияларини жорий қилишни кўзда тутган инвестицион дастурлар амалга оширилаётир. Масалан, 2016 йилга бориб қуввати 100 МВт шамол энергетика қурилмалари лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилган. Мазкур лойиҳа амалга ошса, бир йилда 68 миллион кубометр табиий газ тежаб қолинади. Ана шундай лойиҳаларнинг татбиқ этилиши, энергия тежовчи ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш технологияларининг амалиётга кенг тарқалишида «UzEnergyExpo» халқаро кўргазмасининг аҳамияти катта.

Мазкур кўргазманинг жорий йилгисида жаҳоннинг кўзга кўринган компаниялари ва мамлакатимизнинг етакчи корхоналари электр техника, энергия таъминоти ва электр таъминоти, энергияни тежаш, ёруғлик техникаси, саноат автоматизацияси соҳасида энг сўнгги самарали ва фойдали ишланмалар ва технологияларни намойиш қилишмоқда.

Бу йилги тадбирларда ELKIMA TRAFO (Туркия), «Росэнергосервис» МЧЖ (Россия), «В.И.Козлов номидаги Минск электротехника заводи» ОАЖ (Беларусь), «Укрэлектроаппарат» АЖ (Украина) трансформаторлар ва трансформатор ускуналарини намойиш этган бўлса, электр токининг мустақил манбалари ФАНС АЖ (Чехия), VISA S.r.l. (Италия), «Энергия» ОАЖ (Россия) каби европалик ишлаб чиқарувчилар томонидан тақдим қилинди.

(Давоми 2-бетда)

## ОБОДЛИК ВА КЎРКАМЛИК НАМОЙИШИ

**«Ўзэкспомарказ»да «Тошкент – Флора – 2014» гуллар, ландшафт архитектураси ва дизайни ҳудудий кўргазмаси очилди.**

Кўргазма Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги кўмагида «Ўзэкспомарказ» миллий кўргазма компанияси акциядорлик жамияти томонидан ташкил этилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасида шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси тобора чирой очиб бормоқда. Замонавий муҳташам бинолар қуриш билан бир қаторда, аҳоли пунктларини кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш, янги боғ, хиёбон ва бошқа яшил ҳудудлар барпо этиш бўйича пухта ўйланган дастурлар ҳаётга татбиқ этилаётир. Турли манзарали дарахт ва гуллар экилиб, ландшафт дизайни изчил ривожлантирилмоқда. Бу нафақат жамоат жойлари, балки аҳоли турар жойларини ҳам янада кўркамлаштиришга хизмат қилаётир.

«Тошкент – Флора – 2014» кўргазмасини ўтказишдан асосий мақсад мамлакатимизда ландшафт дизайни ва флорашуносликни янада ривожлантириш, аҳоли пунктларининг бадиий-меъморчилик қиёфасини янада яхшилашга кўмаклашишдир.

Кўргазмани томоша қилишга келганлар учун «Гуллар ва гулчилик», «Ўғит ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари», «Флорашунослик ва гуллар билан безатиш аксессуарлари», «Ландшафт архитектураси ва дизайни», «Боғ ва хиёбон қурилиши», «Иссиқхона ва иссиқхона технологиялари», «Доривор ўсимликлар» мавзусида экспозициялар ташкил қилинган. Ушбу бўлимлар флорашунослик бозорида таклиф этилаётган кенг турдаги товар ва хизматлар, ранг-баранг ландшафт архитектураси ва дизайнини ўз ичига олган.

Янги технологиялар бўйича етиштирилган турфа гул ва ўсимликлардан иборат стендлар кўпчиликка манзур бўлмоқда. М.Раҳимов номидаги Тошкент бадиий кулолчилик тажриба комбинати, «Расулов» хусусий корхонаси ва «Sopol buyumlar lyuks» масъулияти чекланган жамияти стендларида кенг турдаги сопол буюмлар ва аксессуарлар, жумладан, тувак, очиқ майдонларни безатиш учун турли шакл ва бошқа буюмлар намойиш этилмоқда. Ўзбекистон ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти ўсимликларни парвариш қилиш бўйича турли воситаларни тақдим этган.

(Давоми 2-бетда)

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Андижон вилояти Асака шаҳар маданият ва истироҳат боғи қайта қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу сўлим ва хушманзара масканда аҳоли, айниқса, болажонларнинг мириқиб дам олиши, маданий ҳордиқ чиқариши учун барча қулайлик яратилган бўлиб, боғ ҳудудида 10 минг тупдан зиёд гул кўчати ўтқазилди, йўлакларга плиткалар ётқизилди, йўлаклар икки ёнига турли кўринишдаги панно ва афишалар, боғнинг тунги вақтда ҳам чароғон бўлиши учун кўплаб ёритгич ва чироқлар ўрнатилди. Амфитеатр, эскирган аттракционлар таъмирланиб, айримлари янгиси билан алмаштирилди.

● Деҳқонобод туманидаги «Шўртан» газ-кимё мажмуига қарашли ишлаб чиқариш цехида ўн икки турдаги энергия тежамкор лампалар тайёрлаш ўзлаштирилди. Ушбу маҳсулотларнинг афзаллиги шундаки, улар оддий электр лампаларга нисбатан тўрт баробар кам қувват сарфлаб, саккиз марта кўп муддат, яъни, ўн минг соатгача хизмат қилади.

● Наманган тумани маркази Тошбулоқ шаҳарчасида замонавий маданият ва аҳоли дам олиш маркази фойдаланишга топширилди. 300 миллион сўмликдан зиёд қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилган масканда халқ ижодиётини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, профессионал ва ҳаваскор бадиий жамоалар, айниқса, ёшларнинг ижод қилишлари учун зарур шароитлар мавжуд.

● И.Савицкий номидаги Қорақалпоқ давлат санъат музейида Ўзбекистон Бадиий академияси академиги, Қорақалпоғистон халқ рассоми Жўлдасбой Қуттимуратов ижодига мансуб ҳайкалтарошлик асарлари кўргазмаси очилди. Кўргазмадан ўрин олган етмишга яқин асарлар орасида «Тун», «Гулзира», «Сувнинг жимирлаши», «Келин», «Тўмарис», «Ниҳол» каби ёғоч, гранит ва мармар тошдан ишланган асарлар кўпчиликда катта таассурот қолдирмоқда.

### ЖАҲОНДА

● Голландиянинг Зеланд музофотидаги Гус ва Мидделбург шаҳарлари орасида қуюқ туман тушиши натижасида 150 га яқин автомобиллар иштирокида юз берган йирик йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида камида икки киши ҳалок бўлган, ўнлаб кишилар турли даражадаги тан жароҳатларини олган.

● Жанубий Африка Республикасидаги энг қадимги олмос кони ҳисобланмиш Претория шаҳри яқинидаги Куллинанда яна бир йирик олмос топилди. Мутлақ шаффоф кўринишга эга мазкур ноёб олмоснинг оғирлиги 232 каратни ташкил этиб, мутахассисларнинг фикрича, унинг қиймати ишлов берилганидан сўнг 15 миллион долларга етиши мумкин.

● Иқлим ўзгаришларини ўрганиш бўйича ҳукуматлараро экспертлар гуруҳи томонидан кейинги етти йил давомида олиб борилган кузатувлар натижаларининг кўрсатишича, сўнгги юз йил ичида Ер курраси атмосферасининг ҳарорати 0,74 даражага кўтарилган. Ҳароратнинг глобал кўтарилиши қатор хавфли табиий ҳодисаларни юзага келтириши эҳтимолдан холи эмас.

## МАЛАКАЛИ МУТАХАССИС – МАМЛАКАТ ЮЗИ

***Мамлакатимизда саёҳатларни мазмунли ўтказиш учун барча шароит ва омиллар мавжуд – меҳмонхона ва ресторанлар фаолияти замонавий асосда ташкил этилган, транспорт тизими яхши ривожланган, энг муҳими, юртимизда тинчлик-осойишталик қарор топган.***

Шу боис мамлакатимизга келаётган туристлар сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Уларга сифатли хизмат кўрсатиш, юртимиз ҳақидаги тасаввурларини бойитиш соҳа ходимларидан юксак билим ва малака талаб этади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 1999 йил 30 июнда қабул қилинган «Ўзбекистонда туризм соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ушбу соҳада малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, пойтахтимиздаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларидаги туризм коллежларида сайёҳлик маркетинги ва менежменти, хизмат кўрсатиш, халқаро туризм, меҳмонхона хўжалиги ва ресторан иши йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг юқорида қайд этилган фармонига мувофиқ ташкил этилган Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг халқаро туризм факультетида меҳмонхона хўжалиги, хизматлар кўрсатиш, туризмда маркетинг ва менежмент ихтисосликлари бўйича малакали кадрлар тайёрланмоқда. Бу борада АҚШ, Буюк Британия, Испания, Франция, Греция, Италия, Малайзия каби туризм ривожланган мамлакатларнинг олий ўқув юртлари билан яқин ҳамкорлик қилинмоқда. Мазкур факультет Жаҳон сайёҳлик ташкилотига аъзо.

Университетда «Очиқ осмон остидаги музей» номли тарихий-маданий мажмуа ташкил этилган. Унда ноёб меъморий обидаларимиз, хушманзара табиатимиз манзаралари акс этган. Бу ерда мамлакатимизнинг туризм салоҳиятини намойиш этувчи инфо-турлар, меҳмонхоналар ва сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорликда «Энг яхши стол сервиси» мавзуида маҳорат сабоқлари мунтазам ўтказилади.

Факультетда соҳага оид турли илмий-амалий анжуманлар, видео-конференциялар, ўқув-семинарлар ташкил этиш анъанага айланган. Талабалар турли мамлакатларда ўтадиган халқаро кўргазмаларда фаол иштирок этиб келаётир. Бунда «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан ҳамкорлик муҳим омил бўлмоқда.

Ҳар ўқув йилида ушбу факультетни юзга яқин талаба тамомлайди. Соҳадаги талаб ва таклифлар асосида уларни ишга жойлаштириш йўлга қўйилган. Хусусан, «Ўзбектуризм» миллий компанияси, «O`zintur», «Mard Ulug`bek», «Yasmina-tour», «Real dreams», «Buyuk ipak yo`li» каби сайёҳлик фирмалари, «International Hotel Tashkent», «Dedeman», «Lotte City Hotel Tashkent Palace», «Le Grande Plaza», «Malika Tashkent» каби меҳмонхоналар билан ҳамкорлик шартномалари тузилган. Битирувчилар мутахассислик машғулотларини «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг ўқув-маслаҳат марказида, меҳмонхоналарда, сайёҳлик фирма ва компанияларида ўтамоқда. Университетда ташкил этилаётган бўш иш ўринлари ярмаркалари битирувчиларга туризм соҳасидаги фирма ва компаниялар билан танишиш, иш таклиф этувчиларга эса юқори малакали кадрларни танлаш имконини бераётир.

– Ўқиш давомида туризм соҳасининг ўзига хос жиҳатларини, бир нечта хорижий тилларни пухта ўргандим, – дейди Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг халқаро туризм факультети талабаси Шоҳрузбек Рўзиев. – Ҳозир пойтахтимиздаги «Lotte City Hotel Tashkent Palace», «Le Grande Plaza» меҳмонхоналарида амалиёт ўтаб, тажриба тўплаяпман. Келгусида хусусий меҳмонхона очиш ниятидаман.

Сингапур менежментни ривожлантириш институти сайёҳлик соҳасида дунёнинг нуфузли ва замонавий таълим муассасаларидан бири ҳисобланади. Институтнинг Тошкент шаҳридаги филиалида ҳам халқаро туризм ва меҳмонхона бошқаруви бўйича малакали мутахассислар тайёрланмоқда. Мазкур йўналишда дарслар Австралиянинг Southern Cross университети тақдим этган дастур бўйича олиб борилади. Жорий йилдан бошлаб Буюк Британиянинг Bangor университети дастури асосида сабоқ бериш ҳам йўлга қўйилади.

(Давоми 2-бетда)



# ОБОДЛИК ВА КЎРКАМЛИК НАМОЙИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Кўргазма павильонида «Autopromtechnology» масъулияти чекланган жамияти, «Покизахон» хусусий корхонаси ва бошқа корхоналар томонидан боғ учун мўлжаллаб ишлаб чиқарилган ўриндиқ ва мебеллар жой олган. Бу ерда кенг турдаги стол ва қулай курсилар, шийпонча ва соябонлар намойиш этилмоқда. «Art-business group» компанияси металлдан ясалган мебель, панжара ва бошқа буюмларни тақдим этган. «Неолит» масъулияти чекланган жамияти стендида табиий тошлардан тайёрланган нақшинкор кошинлар намойиш этилмоқда.

Ландшафт архитектураси ва дизайни бўлимида юқори технологияли ечимлар ўрин олган. Бу ерда моҳир усталар томонидан тайёрланган оддий ваза, майсазор, шийпончалар, шаршаралар барпо этиш, гейзер ва фаввора қурилмалари, боғларни ёритиш мосламалари ва болалар майдончалари конструкциялари билан танишиш мумкин. Янги вертикал кўкаламзорлаштириш технологияси кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. Мазкур технология гул ва ўсимликлардан турли геометрик шакл ҳамда конструкциялар яратиш имконини беради. «Water Stone» компанияси менежери Темур Қодиров ушбу технология ўсимликлардан ҳар хил шакллар яратишга ёрдам беришини таъкидлади.

– Мамлакатимизда ландшафт архитектураси ва дизайни бозори фаол ривожланмоқда, – дейди «Gazon markazi» масъулияти чекланган жамиятининг ландшафт бўйича архитектори Дмитрий Пономарёв. – Халқимиз фаровонлиги юксалиб бораётгани ва юртимизни янада обод қилишга интилиши бу борада муҳим ўрин тутмоқда.

– Ўзбекистонда бизнесни ривожлантириш учун яратилаётган қулай шароитлар самарасида муваффақиятли фаолият юритмоқдамиз, – дейди Бельгиянинг «Plantrees» компанияси менежери Берт Ренап. – Бу мамлакатингизда фаолиятимизни янада ривожлантиришнинг кафолатидир.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети ва Тошкент архитектура-қурилиш институти талабалари ландшафт архитектураси ва дизайни соҳасида ўзига хос, замонавий ечимларни таклиф этган. Масалан, Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетининг магистратура босқичи битирувчиси Анастасия Канеева хиёбон ва боғларни ёритиш бўйича ўзига хос дизайн – бурама шаклдаги ёритгич тайёрлаган. Ушбу ёритгични ишлаб чиқариш кўп маблағ ва қимматбаҳо материаллар талаб қилмайди. Шу боис кўргазма иштирокчилари ёритгичга катта қизиқиш билдирмоқда.

Кўргазмада намойиш этилаётган ўсимликшунослик, ландшафт архитектураси ва дизайни соҳасидаги маҳсулотлар ҳамда кўрсатилаётган хизматлар, ёш мутахассисларнинг замонавий инновация ва технологиялари мамлакатимизда ушбу тармоқнинг юқори даражада ривожланаётганидан далолат беради. Бу шаҳар ва аҳоли пунктларининг қиёфасини янада кўркамлаштириш, уларни обод этиш учун кенг имкониятлар яратади.

**Бобур ОБИДОВ,**
**ЎзА мухбири**
**Ислом Исмоилов олган сурат**

# ЭНЕРГЕТИКА ВА ҚУРИЛИШ СОҲАСИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Юқори вольтли ускуналар ва изоляторлар, электр двигателлар, компрессор ва иссиқлик энергетикаси ускуналари Россия ва Белоруссиянинг «Энергосервис-Пермь» МЧЖ (Россия), «Электродвигатель» Могилёв заводи ОАЖ (Беларусь), «Энтехмаш» ИИЧБ МЧЖ (Россия), «Белэнергомаш-БЗЭМ» МЧЖ (Россия), «Паллада-Гранд» МЧЖ (Россия), «СарматТермо-Инжиниринг» МЧЖ (Беларусь) сингари корхоналари томонидан, паст вольтли ускуналар ва аппаратуралар эса мамлакатимизнинг «Марҳамат электротехника заводи» ОАЖ корхонаси ҳамда Хитойнинг дунёга машҳур «Чжэцзан Конки Электро» компанияси томонидан ташриф буюрганлар эътиборига ҳавола қилинди.

Юртимизда аҳоли турмуш даражаси кун сайин яхшиланиб бораётир. Бири-биридан чиройли кўп қаватли ва якка тартибдаги аҳоли яшаш жойлари, қишлоқ ҳудудларида намунавий лойиҳалар асосида уйлар қурилмоқда. Ана шундай бир шароитда қурилиш хизматлари ва материалларига бўлган талаб ортади. «UzStroyExpo-2014» кўргазмасида эса ана шу йўналишдаги янги маҳсулотлар ва хизматлар намойиш этиляпти. Тадбирнинг ўтказилишининг яна бир муҳим жиҳати шундан иборатки, қишлоқларни ривожлантириш ва ободонлаштириш бўйича Давлат дастурини бажариш ва амалга ошириш босқичида муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизнинг ишлаб чиқарувчилари орасида компания кўргазмасида биринчи марта иштирок этаётган пластик деразаларни ишлаб чиқарувчи STROYMAX (Ўзбекистон) компаниясининг фаолияти эътиборга лойиқдир. Ишлаб чиқаришдан ташқари мазкур компания La Torre, Hansgrohe, VIDIMA ва бошқа машҳур Европа брендларининг дилери бўлиб ҳам ҳисобланади.

Ташриф буюрувчилар JV MAN AUTO-UZBEKISTAN ҚК МЧЖ (Ўзбекистон), SHENZHEN CONSTRUCTION EQUIPMENT AND ENGINEERING МЧЖ (Ўзбекистон) компанияларининг ихтисослаштирилган қурилиш техникалари билан «Ўзэкспомарказ»нинг очиқ кўргазма майдонларида танишдилар.

Мамлакатимизнинг бир қатор ишлаб чиқарувчилари томонидан қурилиш ҳавозалари ва опалубка, майолика, видеокузатиш тизимлари ва темир-бетон маҳсулотлари йиғилганларга ҳавола қилинди.

Саноат кўргазмаларида йилдан-йилга рақобатбардош, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқараётган маҳаллий корхоналаримиз кўпайиб бормоқда. Бу кўргазманинг фойдали жиҳати шундаки, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларимизга ўз маҳсулотларини мутахассислар ва истеъмолчиларга тақдим қилиш имконини беради ва шу билан бирга, чет эл компанияларининг кўргазмаларда иштирок этиши республикага юқори технологияли ускуналарни жалб қилишга имкон туғдиради.

**Абдуалим САЛИМОВ**
**Ислом Исмоилов олган сурат**

## Осиё ўйинлари – 2014

# ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ ШАҲАРЧАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ БАЙРОҒИ КЎТАРИЛДИ

*ИНЧЕОН. 18 сентябрь. ЎзА махсус мухбири Меҳрибон МАМЕТОВА хабар қилади.*

***Ўзбекистон спорт делегацияси XVII Осиё ўйинларида иштирок этиш учун Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрига етиб келди.***

Осиё ўйинларининг спорт шаҳарчасида қитъамизнинг 45 мамлакати спорт делегациялари жойлашди. Шаҳарча янги бунёд этилган 22 қаватли турар жой бинолари ва 15 минг кишилик 2,2 минг квартирани ўз ичига олган уч кварталдан иборат.

Осиё ўйинларини юқори савияда ўтказиш мақсадида Инчеон шаҳрида қатор спорт объектлари, жумладан, олтита спорт майдони, Аква-марказ, волейбол зали ва теннис мажмуаси, спорт саройи ва марказий стадион барпо этилган. Марказий стадионда XVII Осиё ўйинларининг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари бўлиб ўтади.

Ўзбекистон спорт делегацияси энг катта делегациялардан биридир. Улар орасида дзюдочи Ришод Собиров, боксчи Ойбек Мамазулунов, енгил атлетикачи Светлана Радзивилл, теннисчи Денис Истомин, оғир атлетикачи Улуғбек Алимов ва Руслан Нурудинов каби машҳур спортчилар бор. XVII Осиё ўйинларида юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган машҳур спортчиларимизнинг аксарияти Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ўтказиб келинаётган уч босқичли спорт мусобақалари – «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиадада кашф этилган. Олимпия ҳаракати принципларига тўла мувофиқ равишда ўтказиб келинаётган ушбу мусобақалар юз минглаб ёшлар учун оммавий спорт майдони, халқаро ареналарда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир истеъдодли спортчиларни тайёрлаш мактабига айланди.

18 сентябрь куни спорт шаҳарчасининг расмий, маданий, тантанали тадбирлар ўтказиладиган майдонида Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси янграб, давлат байроғи кўтарилди.

– Нуфузли спорт мусобақаларидан бири бўлган Осиё ўйинларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилиш бизга ғурур бағишлайди, – дейди оғир атлетика бўйича жаҳон чемпионатининг кумуш медали совриндори Улуғбек Алимов. – Давлатимиз мадҳияси янграб, байроғимиз кўтарилганда қалбимиз фахр-ифтихорга тўлди. Спорт шаҳарчасида ҳилпираб турган байроғимизни кўриб, шундай нуфузли мусобақада, аввало, мустақиллигимиз шарофати, Президентимиз томонидан соғлом, баркамол авлодни тарбиялашга қаратилаётган эътибор, спорт билан шуғулланиш учун яратилаётган қулай шароит туфайли иштирок этаётганимизни ҳис этдик. Спорт том маънода ҳаётимизнинг мазмунига айланган. Бизга билдирилган ишончни оқлаш ва юқори натижаларни қўлга киритиш учун бор имкониятимизни ишга соламиз.

Инчеон шаҳридаги XVII Осиё ўйинларида қитъанинг энг сара спортчилари 50 спорт тури бўйича ўзаро беллашади. Ўзбекистонлик 300 нафарга яқин спортчи бокс, эркин ва юнон-рум кураши, дзюдо, оғир атлетика, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, академик эшкак эшиш, слалом, енгил атлетика, сузиш, синхрон сузиш, сув полоси, бадиий ва спорт гимнастикаси, трамполин, ўқ отиш, теннис, таэквондо (WTF), велоспорт, футбол каби спортнинг 32 тури бўйича мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади.

# АМАЛИЙ БИЛИМЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНДИ

***Таълим муассасаларида ўтилаётган дарслардаги назарий билимларни амалий жиҳатдан мустаҳкамлашда музейларнинг аҳамияти катта.***

«Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида «Камолот» ЁИҲ Шайхонтоҳур туман Кенгаши фаоллари ҳамда тумандаги II Республика тиббиёт коллежи ўқувчиларининг Темурийлар тарихи давлат ва Ўзбекистон Давлат санъат музейларига саёҳатлари ташкил қилинди.

— Биз музейларни айланар эканмиз, ўзимизни гўё ўша даврга тушиб қолгандек ҳис қилдик, — дейди II Республика тиббиёт коллежи «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилоти етакчиси Нусрат Носиров. — Ўзбекистон Давлат санъат музейидан ўрин олган нафис санъат турлари ҳамда ўтмишда Европа ва Осиё давлатларининг урф-одатлари ҳамда санъат намуналаридан баҳраманд бўлдик. Темурийлар тарихи давлат музейида эса Темурийлар давлатининг қудрати, босиб ўтган йўллари, улар эришган ютуқларга ҳавас қилдик. Буюк саркарда, Соҳибқирон бобомиз борлигидан фахрланиб юрамиз.

Бу каби тадбирлар ёшларнинг бой тарихимиз, боқий меросимиз, аждодларимизнинг буюк ишлари ва миллий қадриятларимиз ҳақида маълумот олишларига хизмат қилади.

**Зиёда РАСУЛОВА**

***Кеча Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши томонидан мустақиллигимизнинг 23 йиллик қутлуғ санасига бағишлаб «Тасанно-2014» миллий таомлар фестивали ўтказилди. Юртимизда фаолият кўрсатаётган чет эл элчихоналари ва миллий-маданий марказлар билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу танловда кўплаб хорижий мамлакатлар халқларининг миллий таомлари намойиш этилди.***

## Фестиваллар

# МИЛЛАТЛАРАРО ДЎСТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Шаҳримиз марказида жойлашган кўркам «Lotte City Nev Tashkent Palace» меҳмонхонасида ўтказилган тадбирда хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчилари, халқаро ташкилотлар вакиллари, юртимизга ташриф буюрган чет эллик меҳмонлар, нуфузли ташкилотлар раҳбарлари, дўстлик жамиятлари раислари, Кенгашнинг вилоят бўлимлари раҳбарлари иштирок этдилар.

Тадбирда меҳмонлар араб, турк, ҳинд, хитой, эрон, латиш каби ўн бешдан ортиқ халқларнинг миллий таомлари билан танишиш орқали биргаликда, ўша халқларнинг яшаш шароити, тарихи ва маданиятидан ҳам бохабар бўлдилар.

Таъкидлаш жоизки, мақсад ва вазифаси халқ дипломатиясини ривожлантириш, халқлар ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга йўналтирган Кенгаш, ўз фаолияти давомида бир неча бор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат, нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат Фонди гранти ютуғига эга бўлди. Грант лойиҳаси асосида жойларда семинар, фестиваль, давра суҳбатлари ҳамда учрашувлар ўтказиб келинмоқда. «Тасанно-2014» миллий таомлар фестивали ҳам грант лойиҳасидан ўрин олган.

Фестиваль танловининг мақсад-моҳиятини берилган ўринлар эмас, тайёрланган таомлар орқали дўстларнинг бир-бирларига самимий ёндошишлари, илиқ муносабат ўрнатиб, дўстликни ривожлантириш ташкил этади.

Тадбир давомида мамлакатлар ўртасида дўстлик ва маданий-маърифий алоқаларни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун Германия, Хитой, Латвия, Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги элчихоналари, бир нечта дўстлик жамиятларига ташаккур билдирилди.

«Сўғдиёна», «Тантана» ансамбллари, Ўмон султонлигининг фольклор дастаси, Хитой, Озарбойжон, Ҳиндистон ва Корейс миллий-маданий марказлари қошидаги ансамбллар томонидан ижро этилган миллий куй ва қўшиқлар фестиваль иштирокчилари дилига хуш кайфият бахш этди.

**(Ўз мухбиримиз)**

# МАЛАКАЛИ МУТАХАССИС – МАМЛАКАТ ЮЗИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бу ерда ташкил этилган меҳмонхона маркази сайёҳлик соҳасида таҳсил олаётган талабаларнинг амалий машғулотларни «жонли» ўтказишида муҳим омил бўлмоқда. Марказда талабалар меҳмонларни кутиб олиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, муомала қилиш қоидаларини чуқур ўзлаштиради. Меҳмонхона марказида ресторан ва кафе-бар мавжуд. У ерда талабалар столга таом тортиш, меҳмонлар билан муомала қилиш, юзага келган муаммоларни бартараф этишни машқ қилади. Марказнинг беш юлдузли меҳмонхона кўринишида ташкил этилган учинчи қисмида эса ётоқхонадан тортиб ювиниш хонасигача мавжуд.

Институтни битирган талабалар келгусида меҳмонхона иши ва кўнгилочар саноат соҳаси менежерлари, курортлар бошқарувчилари бўлиб етишади, шахсий меҳмонхона бизнесини ташкил этиши мумкин.

Айтиш жоизки, меҳмонхона ва ресторан бизнеси сайёҳликнинг энг кўп даромад келтирадиган тармоқларидандир. Унинг ривожида хизмат кўрсатувчи касб эгалари, хусусан, официантларнинг алоҳида ўрни бор. Официантлар ҳар қандай дам олиш ва овқатланиш муассасасининг юзи ҳисобланади. Уларнинг сифатли хизмати, самимий муносабати мижозларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши, муайян муассаса, қолаверса, мамлакат обрўсининг юксалишига хизмат қилади.

Мамлакатимиз ресторанларида хизмат кўрсатиш жаҳон андозалари даражасида йўлга қўйилган. Соҳа ходимларининг малакасини ошириб бориш мақсадида халқаро тажрибани ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилда «Ўзбектуризм» миллий компанияси, Республика илмий-ўқув консалтинг маркази ва Германиянинг «DVV International» халқаро ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида «Ресторанда хизмат кўрсатиш: официант» лойиҳаси амалга оширилди. Лойиҳа доирасида италиялик халқаро эксперт Рональдо Розани Тошкент, Самарқанд ва Хива шаҳарларида бўлиб, меҳмонхона ресторанлари ходимлари ва сайёҳлик касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун семинар-тренинглар ўтказди.

– Ўзбекистон туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга, – деди ЎзА мухбирига Рональдо Розани. – Сайёҳлик инфратузилмаси ривожлантирилаётгани, замонавий меҳмонхона ва ресторанлар бунёд этилаётгани диққатга сазовор. Шундай гўзал ва бой маданиятга эга мамлакатда бўлиш, ёшларга касб сирларини ўргатиш имконига эга бўлганимдан ғоят мамнунман. Ўзбекистонлик ёшларнинг билим олишга, касб ўрганишга иштиёқи ғоят баланд экан. Меҳмонхона ва ресторанлар ходимларининг маҳорати, юзларидаги табассуми мени жуда қувонтирди. Зотан, бу жиҳатлар ушбу касб эгалари учун ғоят муҳимдир.

Ҳар бир сайёҳ бошқа мамлакатга борганида гидлар ёрдамига эҳтиёж сезади. Саёҳат дастурининг қизиқарли ўтиши, меҳмонларда мамлакат тарихи, маънавий-маданий бойлиги, бетакрор меъморий обидалари, халқининг урф-одатлари ва қадриятлари ҳақида тасаввур шаклланиши уларнинг ўз касбини нечоғли ўзлаштиргани билан бевосита боғлиқдир.

«Ўзбектуризм» миллий компаниясининг Республика илмий-ўқув консалтинг марказида ана шундай етук мутахассислар тайёрланади. Сайёҳлик корхоналари раҳбарлари ва туризм соҳасида фаолият кўрсатувчи гидлар учун тренинглар ўтказилади. Ўз сайёҳлик фирмасини очаётган тадбиркорларга маслаҳат хизмати кўрсатилади.

Марказ томонидан сайёҳлик ташкилотлари ходимларини туристик бизнесни ташкил этиш ва бошқаришнинг замонавий шакл ва услубларига ўргатиш бўйича янги услубий тавсия ва қўлланмалар ҳам ишлаб чиқилмоқда. Гидларнинг малакасини ошириш мақсадида йирик сайёҳлик компаниялари, меҳмонхоналар, ресторанлар, хорижий шериклар ва инвесторлар билан ҳамкорликда амалий семинарлар ташкил этилаётир.

Туризм соҳасида мутахассислар тайёрлаш ушбу тармоқ ривожига мутаносиб равишда такомиллашиб бормоқда. Бунинг самарасида хизмат кўрсатиш сифати ошиб, мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти, обрў-эътибори янада юксалмоқда. Шу йил 1-3 октябрь кунлари Самарқандда ўтказиладиган БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси мамлакатимизда туризмни ривожлантиришда яна бир муҳим босқич, соҳа мутахассислари учун катта тажриба мактаби бўлади.

**Ирода УМАРОВА**

